Emro Science and Education
International open-access scientific journal
Journal homepage: https://journal.emro.uz
OPEN ACCESS

CONFERENCE PAPER OPEN ACCESS

Vol. 1 No. 4 (2024) · "Milliy iqtisodiyotni barqaror rivojlantirish va yuqori iqtisodiy o'sish sur'atlarini t... DOI: 10.5281/zenodo.24320692

ta'minlashning ustivor yo'nalishlari" mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman

Biroq, ushbu jarayonlarda ba'zi muammolarni hal qilish zarur. O'zbekiston iqtisodiy o'sishni rag'batlantirishda resurslardan samarali foydalanish, yangi texnologiyalarni joriy etish, sanoat sektorini diversifikatsiya qilish va raqamli iqtisodiyotning rivojlanishiga alohida e'tibor qaratish zarur. Ushbu omillar barqaror rivojlanishga erishishda muhim ahamiyatga ega.

Mamlakatda investitsiya muhitini yaxshilash va xorijiy investitsiyalarni jalb qilish uchun soliq siyosatini yanada soddalashtirish, shuningdek, investitsiyaviy rag'batlantirish mexanizmlarini takomillashtirish zarur. Yangi texnologiyalarni ishlab chiqish va ularni joriy etish bo'yicha dasturlarni kuchaytirish, raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish barqaror o'sishning asosiy omillaridan biri bo'lishi mumkin.

Iqtisodiy o'sishning ekologik ta'sirini kamaytirish maqsadida barqaror energiya manbalarini joriy etish va ekologik toza texnologiyalarni qo'llash lozim. Shuningdek, ijtimoiy farovonlikni oshirish va iqtisodiy o'sishni barqaror qilish uchun kadrlar malakasini oshirish va ilg'or ta'lim tizimini rivojlantirish zarur.

O'zbekistonning xalqaro iqtisodiy aloqalarini mustahkamlash, eksportni diversifikatsiya qilish va yangi bozorlarga chiqish imkoniyatlarini yaratish mamlakatning iqtisodiy o'sishiga katta hissa qo'shadi. Ushbu takliflar va chora-tadbirlar O'zbekistonning iqtisodiy rivojlanishining barqaror va yuqori sur'atlarda davom etishini ta'minlashda muhim rol o'ynaydi.

Foydalanilgan manba va adabiyotlar

1. Abduvokhidov, M. (2020). O'zbekistonda sanoat sektori diversifikatsiyasining ahamiyati. O'zbekiston iqtisodiyoti va rivojlanish masalalari, 14(2), 34-45.
2. BMT (2015). 2030-yilga qadar barqaror rivojlanish maqsadlari. Birlashgan Millatlar Tashkiloti, Nyu-York.
3. Jahon banki (2023). Global Economic Prospects: A World in Transition. World Bank Group.
4. OECD (2022). Investment Policy Review of Uzbekistan. Organization for Economic Cooperation and Development, Paris.
5. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi (2021). 2021–2025-yillarga mo'ljallangan ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish strategiyasi. Tashqi iqtisodiy aloqalar vazirligi, Toshkent.
6. Xalqaro iqtisodiy hamkorlik va taraqqiyot tashkiloti (OECD) (2022). Investment Policy Review of Uzbekistan. Paris: OECD Publishing.
7. O'zbekiston Respublikasi Davlat Statistika Qo'mitasi (2023). Iqtisodiy ko'rsatkichlar va tendensiyalar. Toshkent.
8. https://lex.uz/uz/docs/-6707765

БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИ ТАЪМИНЛАШДА БЮДЖЕТ-СОЛИҚ СИЁСАТИНИНГ ЎРНИ

Сайдакбарова Мадинахон Анисбековна
Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети
Андижон факультети катта ўқитувчиси

Аннотация

Published: 23.12.2024
Cite this article: Сайдакбарова Мадинахон Анисбековна (2024). Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда бюджет - солиқ сиёсатининг ўрни. Emro Science and Education, 1(4). https://doi.org/10.5281/zenodo.24320692
© 2024 The Author(s). Published by Emro Science and Education. This is an open access article.

Ушбу мақолада барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда бюджет-солиқ сиёсатининг ўрни хақидаги адабиётлар тахлили ва иқтисодий ўсиш жиҳатлари ва аҳоли турмуш сифатини яхшилашга таъсир қилувчи омиллари келтирилган.

Жумладан иқтисодий ўсиш жиҳатлари ва аҳоли турмуш сифатини яхшилаш борасида олиб борилган тадқиқотлар натижасида олинган хулосалар келтирилган.

Ҳозирги вақтда иқтисодий тараққиётнинг ривожланиши ҳудудларнинг табиий-иқтисодий салоҳиятидан ва имкониятларидан унумли фойдаланиш мамлакатда иқтисодий ўсишнинг асосий воситаси эканлиги учун мазкур соҳанинг назарий-иқтисодий мазмуни, унга таъсир этувчи омилларни чуқур тадқиқ этишни талаб этади. Иқтисодий жиҳатдан барқарор ўсиш жамият тараққиёти йўлини, унинг ривожланиш даражасини белгилайди. Иқтисодий ўсиш, биринчи навбатда, товар ва хизматлар миқдорининг ўсиши ва ўзгаришида ўз ифодасини топади. Кенг маънода эса, жамиятда иқтисодий ўсиш натижасида такрор ишлаб чиқариш ортади, ишлаб чиқариш кучлари ривожланади. Энг асосийси, аҳоли турмуш сифати моддий жиҳатдан яхшиланади ва фаровонлиги ортади.

Шунингдек барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда бюджет-солиқ сиёсатини тўғри ва ишончли таъминлаш ва юритиш хозирги куннинг долзарб муаммоларидан хисобланади.

Ушбу соха бўйича кўплаб иқтисодчи олимлар иқтисодий ўсиш бўйича илмий – амалий изланишлар олиб борган ва амалиётга тадбиқ этишган.

Шунингдек иқтисодий ўсишнинг механизмлари ўрганилиб, иқтисодий ўсиш моделлари тузилган. Иқтисодий ўсиш замиридаги замонавий иқтисодий назарияда одатда табий аҳамиятга эга бўлган ишлаб чиқариш хажмининг реал кўпайиб кетиши ва қисқа муддатли равнақи эмас, балки узоқ муддатливақт оралиғидаги ишлаб чиқувчи кучлар ривожланишига боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш реал хажми табиий даражасининг узоқ муддатли ўсиши тушунилган.

Адабиётлар тахлили шуни кўрсатадики XVIII асрнинг ярмида Англияда саноат революцияси натижасида аниқланган. Бу даврдв аҳолининг реал даромадлари 10 баравар ошган, ривожланган мамлакатларда бу кўрсаткич янада юқори бўлган. XX аср бошларига қадар иқтисодий ўсиш хақидаги маълумотлар тўлиқ мавжуд эмас эди. Иқтисодий ўсиш назариясининг асосчиси XX аср бошларида фаолият юритган иқтисодчи олим Йозеф Шумпеттер ҳисобланади. Шунингдек, иқтисодий ўсиш назариясига Саймон Кузнец, Фернан Бродель, Теодор Шульц, Гери Беккер, Майкл Портер, Николай Кондратьев ва бошқалар ўз хиссаларини қўшган. Иқтисодчи олим Ангус Медисон реал ЯИМ ва иқтисодий ўсиш суръатларини баҳолаш соҳасида кўплаб тадқиқотлар олиб борган. Мамлакат иқтисодиётини таҳлил қилишни иқтисодий ўсиш моделлари орқали амалга ошириш самарали ҳисобланади. Масалан, иқтисодий ўсиш орқали иқтисодиётни таҳлил қилиш ва прогнозлаштириш, мамлакатнинг капитал билан қуролланганлик даражаси, истеъмолни максимал қондириш ва шу орқали жамғарма нормасини “олтин қоида” даражасида ушлаб туриш мамлакат иқтисодиётини самарадорлигини ошириш ва истиқболдаги режаларни тузишда ёрдам беради. Шу билан бирга, бошқа иқтисодий ўсиш моделларини ҳам иқисодиётни таҳлил қилиш, баҳолаш ва прогнозлашда қўллаш мумкин.

Иқтисодий ўсиш турли нуқтаи назарлар орқали ўрганилиши сабабли, унинг интенсив ва экстенсив турларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Экстенсив иқтисодий ўсиш табиий ресурслар, ишчи кучи ва капитал каби ишлаб чиқариш омилларини қўшимча жалб қилиш ва фақат уларнинг миқдорий ошиши ҳисобига рўй беради. Бунда уларнинг сифат ва техникавий даражаси ўзгармасдан қолади. Интенсив

иқтисодий ўсиш эса илмий-техникавий базани такомиллаштириш ва барча ишлаб чиқариш омилларидан самарали фойдаланиб меҳнат унумдорлигини ошириш орқали таъминланади. Интенсив йўл ишлаб чиқаришга жалб этилган ресурсларнинг ҳар бир бирлигидан олинадиган самара пировард маҳсулот миқдорининг ўсишида, маҳсулот сифатининг ошишида ўз ифодасини топади.

Ўзбекистон мустақил тараққиётининг дастлабки палласиданоқ ижтимоий – иқтисодий ривожланишнинг ички, барқарор омилларига таянувчи самарали иқтисодий сиёсатга эътибор қаратди. Бунда мамлакатдаги бой хомашё ва ресурсларни қайта ишлашга йўналтирилганюқори технологик саноат тармоқларини барпо этиш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, иқтисодиёт салохиятини кенгайтирувчи инвестицияларни амалга ошириш ишларига катта эътибор қаратилди. Юқори иқтисодий ўсиш суръатини таъминлашда қуйидагилар асосий омил бўлади.


Ўзбекистон иқтисодиётини кенг қамровли модернизациялаш тадбирлари амалга оширилиши натижасида мамлакат ижтимоий – иқтисодий барқарорликка эришмоқда. Давлатнинг аниқ мақсадга йўналтирилган самарали иқтисодий сиёсат натижасида юқори натижалар қўлга киритилмоқда.

Макроиқтисодий барқарорлик ҳамда иқтисодиётнинг ички ва ташқи секторлари мутоносиблигини таъминлаш борасида:

- қаттиқ пул-кредит ислоҳоти натижасида сўнги 10 йил мобайнида йиллик инфляция даражаси 9-11% атрофида сақланиб қолинмоқда;
- самарали бюджет-солиқ сиёсати натижасида сўнги йилларда мамлакат бюджети профицит билан якунланмоқда;
- иқтисодиётни модернизациялаш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш натижасида рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва ташқи савдо айланмаси ижобий сальдони ташкил этмоқда.

Иқтисодий ўсиш миллий иқтисодиётнинг доимий ривожланиш динамикасидир. Иқтисодий ўсиш микроиқтисодий ва макроиқтисодий даражада юз беради. Микроиқтисодий ўсиш – бу корхона, фирма ёки алоҳида тармоқ доирасидаги ўсиш бўлиб, муайян гуруҳий фаолиятнинг натижасидир.

Иқтисодий ўсиш жиҳатлари ва аҳоли турмуш сифатини яхшилашга таъсир қилувчи омиллар қуйидагича гуруҳланди (1-расм).



Демак, иқтисодий ўсиш жиҳатлари ва аҳоли турмуш сифатини яхшилаш борасида олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулоса ва таклифларни илгари суриш мумкин.

- ҳудудларда иқтисодий ўсиш даражасини ошириш, ишлаб чиқариш ва молиявий ресурсларни самарали тақсимлаш, зарур инфратузилмани шакллантиришга асосланган иқтисодий ривожланишнинг концептуал йўналиш ва вазифаларини ишлаб чиқиш ва уларнинг амалга оширилишини таъминлаш;
- иқтисодий ўсишнинг инклюзивлигини таъминлаш, давлат бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоат ташкилотлари ҳамда халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари билан ҳамкорликда камбағалликни қисқартириш бўйича стратегия ва дастурларни ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва мувофиқлаштириш;
- камбағалликни қисқартиришнинг аниқ дастак ва механизмларини ишлаб чиқиш, хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда камбағаллик даражасини аниқлаш мезонлари ва баҳолаш услубиятини, ижтимоий таъминотнинг минимал стандартлари ва меъёрий асосларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- аҳоли даромадлари табақалашувини ўрганиш бўйича тизимли ишларни олиб бориш ҳамда уларнинг давлат мақсадли дастурлари билан ўзаро мувофиқлигини таъминлаш мухимдир.

Ўзбекистон иқтисодиётини барқарор, жадал ва мутаносиб равишда ривожлантириш, асосий тармоқларни диверсификация қилиш ва экспорт салоҳиятини ўстиришга йўналтирилган таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, иқтисодиёт тармоқлари, комплекслари ва корхоналарини модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш асосида уларнинг самарадорлиги ҳамда рақобатбардошлигини янада ошириш мақсадида мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашнинг устувор йўналишлари сифатида қуйидагиларни белгилаш мумкин:

- иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини ривожлантиришнинг аниқ, чуқур ва ҳар томонлама пухта ўйланган узоқ муддатли режаларини ишлаб чиқиш, шу асосда асосий тармоқларни диверсификация қилишга йўналтирилган таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш;
- жаҳон бозорида доимий харидоргир бўлган, қўшилган қиймат улуши юқори рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқариш, корхоналарни кенг миқёсда модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, уларни энг замонавий юқори технологик ускуналар билан жиҳозлаш;
- иқтисодиёт тармоқларида замонавий илмий ютуқлар ва илғор инновация технологияларни жадал тадбиқ этиш;
- корхоналарни мамлакатнинг барча минтақаларида жойлаштириш ва шу асосда импорт ўрнини босадиган маҳсулотларнинг худудларда кенг ишлаб чиқарилишини таъминлаш;
- меҳнат унумдорлигини ўстириш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини изчил пасайтириш, энергия ва ресурсларни тежайдиган замонавий технологияларни кенг жорий этиш;
- маҳаллий хомашёни чуқур ва сифатли қайта ишлаш негизда экспорт салоҳиятининг барқарор ўсиб боришини, экспортга мўлжалланган рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва бошқалар.

Хулоса сифатида шуни айтишимиз мумкинки ушбу мақоламиз орқали барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда бюджет-солиқ сиёсатининг ўрни жамиятимизнинг барча сохаларида ўз ўрнига эгалиги ва унга тўғри муносабатда

бўлиш орқали Ўзбекистон иқтисодиётини барқарор, жадал ва мутаносиб равишда ривожлантириш, асосий тармоқларни диверсификация қилиш ва экспорт салоҳиятини ўстиришга йўналтирилган таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, иқтисодиёт тармоқлари, комплекслари ва корхоналарини модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш асосида уларнинг самарадорлиги ҳамда рақобатбардошлигини янада ошириш мақсадида мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашнинг устувор йўналишларини белгилаб беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони

2. Царев В.В. (2004) «Оценка экономической эффективности инвестиций». – СПб; Питер, – 19 с.

3. Шеремет В.В., Павлюченко В.М., Шапиро В.Д. (1998) “Управление инвестициями” Москва, “Высшая Школа”, 82-83 бетлар.

4. Шодмонов Ш.Ш., Ғафуров У.В. (2010) “Иқтисодиёт назарияси” Дарслик. – Т.: 347-б.

5. Щипанов К.А. (2011). Внедрение систем планированияи управления ресурсами предприятия. http://elar.urfu.ru/bitstream/10995/27855/1/ivmim_2011_17.pdf

БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИ ТАЪМИНЛАШДА БЮДЖЕТ – СОЛИҚ СИЁСАТИ АДАБИЁТЛАР ШАРХИ ВА ФИСКАЛ СИЁСАТИ

Сайдакбарова Мадинахон Анисбековна
Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети Андижон факультети катта ўқитувчиси

Жамиятимиздаги иқтисодий барқарорликни таъминлашда иқтисодий ўсишни таъминлашда бюджет – солиқ сиёсати, уни амалга ошириш мураккаб, долзарб масалалардан биридир.

Чунки ушбу жараён жамиятнтнг ривожланиши учун асосий меъерлардан хисобланади. Ушбу мавзуни ёритиш мақсадида адабиётлар тахлили ўтказилди,унга кура давлат томонидан иқтисодиётнинг циклик ривожланиши ва крезисларни бартараф этишдаги асосий дастаги бу-давлат харажатларидир. Кенснинг фикрича, уларнинг шакилланиши, тузилиши ва ўсиш, “самарали талаб”га эришишдаги муҳим омилдир.

Шундай қилиб, Кейнс давлат монополистик капиталислик иқтисодиётни тартибга солишда янги молия назариясининг устувор йўналишини ишлаб чиқди. Молиявий сиёсат Кенс издошлари томонидан (Америкада – Р.Харрод, А.Оукен, У.Хеллир, Буюк Британияда – Ж.Байсман, Францияда – Ф.Перру, Японияда – К.Эми, Х.Итолар) амалиётга жорий этилди. Бу 40-60 йилларда иқтисодиётни тартибга солишда ижобий натижаларни берди. 70-йилларгача кўпчилик етакчи ғарб давлатларининг молия назарияси ва амалиёти асосида Кейнс назариясининг қоидалари ётади.

Неконсерваторлар Кейнс таълимотининг айрим камчиликларини топиб, унга қарши ўз концепцияларини илгари сурадилар. Булар асосан қуйидагилардан иборат: